



THE IMPORTANCE OF RAISING THE SPIRITUAL POTENTIAL OF WOMEN IN IDEOLOGICAL PROCESSES

Mokhinur Olimova

Researcher

National University of Uzbekistan
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: ideological processes, spiritual potential, spirituality, idea, innovation activity, spiritual potential.

Received: 09.05.25

Accepted: 11.05.25

Published: 13.05.25

Abstract: This article analyzes the work carried out on large-scale reforms carried out in our country to increase the activity of women in the period of rapidly changing ideological processes today and the development of spiritual potential.

МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАЊНАВИЙ САЛОХИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Мохинур Олимова

Тадқиқотчи

Ўзбекистон миллий университети
Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: мафкуравий жараёнлар, мањнавий салоҳият, мањнавият, ғоя, инновацион фаолият, мањнавий салоҳият.

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда жадаллик билан ўзгариб бораётган мафкуравий жараёнлар даврида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва мањнавий салоҳиятни ошириш борасида олиб борилаётган ишмий тадқиқот ишлари таҳлил этилган.

ВАЖНОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ ДУХОВНОГО ПОТЕНЦИАЛА ЖЕНЩИН В ИДЕОЛОГИЧЕСКИХ ПРОЦЕССАХ

Мохинур Олимова

Исследователь

Национального университета Узбекистана
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: идеинные процессы, духовный потенциал, духовность, идея, инновационная деятельность, духовный потенциал.

Аннотация: В данной статье анализируются проводимые сегодня в нашей стране широкомасштабные реформы по повышению активности женщин в период бурно меняющихся идеологических процессов, а также работа по повышению духовного потенциала.

Кириш.

Мамлакатимизда янги жамиятни яратишга қаратиладиган ишларни амалга оширишда тадрижий тараққиётни изчил, жамиятнинг моддий ва маънавий салоҳиятини оқилона тарзда фойдаланишини тақазо этувчи ғоявий-мафкуравий ислоҳотларни янада ривожлантириш заруриятини юзага келтирмоқда. Бундай кенг қамровли ижтимоий-маданий фаолиятини самарадорлиги ҳар бир соҳада иш олиб бораётган мутахассисларнинг билимдонлиги, янгиланишга маънавий ва интеллектуал жиҳатдан тайёргарлигига боғлиқ бўлади. Ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар кенг кўламли ва аниқ бир жабҳаларда янги ғояларни яратиш, уларни тадбиқ этишга қаратиладиган инновацион фаолиятнинг маҳсулидир. Бундай фаолиятда бўлғуси мутахассисни тайёрлаш ўта муҳим ижтимоий аҳамиятга молик вазифалар сирасига киради. Албатта инновацион фаолият бевосита касбий фаолият билан шуғулланиш жараёнида ўзининг тугал, мукаммал даражасига етади. Аммо ҳозирги тезкор замонда ҳар қандай фаолият учун зарур бўлган малакавий қобилиятларни таълимнинг бошланғич босқичларидан шакллантириб бориш мақсадга мувофиқ экани аён бўлмоқда.

Адабиётлар таҳлили.

“Мафкуравий жараёнлар деганда – ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида ер юзининг бир қанча минтақаларида мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этанини ифодаловчи тушунча. Инсоният тарихининг ҳозирги босқичи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий хаётнинг барча соҳаларида халқаро муносабатларининг интеграциялашуви ва жаддалашуви билан характерланади”[1]. Бирон бир худуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада одамзот маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиласиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг босимини доимий равишда сезиб яшамоқда. Бу жараённинг энг муҳим хусусиятларидан бири турли мамлакатларнинг мафкуравий заб этиш ғоят катта иқтисодий манфаатлари билан чирмashiб кетганидир.

Бундай вазиятда ўз мустақил фикрига, событ эътиқодига, мустаҳкам ирова ва дунёқарашига эга бўлмаган одам гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона қўринишда намоён бўлаётган

мафкуравий тазиикларга бардош бера олмайди. Умуман, дунёдаги мисилсиз илмий кашфиётлар, универсал технологиялар ва ахборот тарқатишнинг глобаллашуви юзага келди. Бу жараёнлар ўз навбатида дунёдаги юз бераётган мафкуравий вазиятга, муносабатларга жиддий таъсир кўрсата бошлади. Илмий кашфиётлар глобаллашувида мафкура бевосита таъсир этиши объектив ва субъектив омиллар билан узвий боғланиб кетган. Демак, ғоялар ва қарашларнинг жамиятдаги маълум гуруҳ манфаатларига бўйсундирилиши ва мафкуралаштирилиши - жамият учун, цивилизациялар учун “салбий омилга” айланади.

Натижада, жамиятлар бир - бирига қарама - қарши бўлган қутблар бўлинишигача бориб етади. Ҳодисани “турмушдан”, “жамиятнинг ижтимоий-иктисодий негизи”да деб тушуниш фалсафаси бир томонламадир. Бу –“турмуш, ижтимоий борлик онгни белгилайди”, деган анъанавий фалсафага хос бўлиб, унда муайян мақсадлар жамият ҳаётининг “мафкуралашиб” боришига асос бўлган.

Буни собиқ тоталитар мафкурага хос бўлган тарихий воқелик тўла тасдиқлайди. “Хозирги замон фалсафаси эса турмушнинг онгта таъсирини ҳисобга олган ҳолда, онгнинг фаол таъсир кўрсатиши ва уни белгилаши тўғрисидаги ғояга асосланмоқда. Жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда унинг тараққиёт йўли инсон онги ва тафаккури даражасига бевосита ҳамда унинг тараққиёт йўли инсон онги ва тафаккури даражасига бевосита боғлик бўлади”[2].

Шу нұктаи-назардан қараганда, мамлакатлимизда амалга оширилаётган мухим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар асосида юз бераётган моҳияти чуқур ва сермазмун ўзгаришлар кадрлар тайёрлашнинг таълим-тарбия тизимида миллий ғоя руҳида ўқитиши тубдан ўзгартиришни, таълимда замонавий услубларан кенг кўламда фойдаланишни, янги-янги самарали методлар ишлаб чиқариш ва уларни қўллашни тақазо этмоқда. Шу асосда кенг профелли мутахассис кадрларни тайёрлашни яхшилаш, сифатини оширишни вазифа қилиб қўймоқда. Халқ таълими, олий таълимнинг барча тармоқларида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, тарбия, таълим, сиёсий ва касбий тайёргарликни изчил амалга оширишни ҳозирги давр талаб этмоқда. Дарҳақиқат, биринчи Президентимиз Ислом Каримов “Мактаб-ўрта-олий таълим-илмий тадқиқот институтлари шаклидаги илмий-маърифий комплексларни вужудга келтириш йўлидан бориш керак деб ўйлайман. Бундай илмий-техник тараққиётнинг устувор йўналишларига алоҳида эътибор бериши зарур. Ана шундай мустаҳкам алоқалар туфайлигина замонавий юксаклик технологияларда ишлай оладиган, бозор қонуниятларига янгича фикрлай биладиган мутахассисларни тайёрлашимиз мумкин”[3] лигини таъкидлаб, ёшларни миллий, ғоявий, ижоди жиҳатдан шакллантиришнинг илмий-назарий йўлининг устуворлигини кўрсатиб берган эди.

Мухокама ва натижа.

Айни шу маънода Биринчи Президент Ислом Каримов Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг асосий вазифаси сифатида қуйидагиларни белгилаб берган шуни давом эттирган ҳолда муҳтарам президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан бу янада ривожлантирилиб "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги боскичга кўтариш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди. Қарор 2017 йил 28 июлда имзоланган Қарорига кўра, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизида Республика Маънавият ва маърифат марказини (кейинги ўринларда – Марказ деб аталади) қайта ташкил этилди.

- Кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат "Маърифат" тарғиботчилар жамиятини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга кўйиш
- Дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, "оммавий маданият", наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш;
- Жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўқсинглик қилаётган ички таҳдидлар – эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш;
- Тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий этиш;
- Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказишни мунтазам йўлга кўйиш;
- Ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

- Маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан ишлаш, ушбу тоифани ижтимоий-иктисодий фаоллаштиришда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлароро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат мухитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш этиб белгилади.

Жамиятда миллий ғояни тарғиб қилишда инновация шу соҳа сифатини яхшлашга йўналтирилган ҳолда амалга оширилади. Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, миллий ғоя тизимида шаклланган янгича ёндашувдан иборат бўлади. Мазкур ёндашувлар, ташабbusлар ва янгиликлар асосида туғилиб, миллий ғоя тизимининг концептуал мазмунини ривожлантириш учун истиқболли асос бўлиб хизмат қиласди. Миллий ғояни тарғиб қилишдаги ҳар қандай янгилик инновация бўла олмайди. Шу сабабли инновация ва инновация тушунчалари ўртасидаги асосий фарқларни кўрсатиб ўтиш зарур[4].

Бунининг учун ислоҳот фаолият қиска муддатли бўлса ва яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаса, ўз олдига муайян тизимдаги фақат бальзи элементларни ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у ҳолда биз новация хусусида фикр юритаётган бўламиз. Агар фаолият муайян концептуал ёндашув асосида амалга оширилаётган бўлса ва унинг натижаси ўша тизим ривожланишига ёки унинг принципиал ўзгаришига олиб келса, “Инновация” деган тушунча шаклланади. Ҳар иккала тушунча мезонлари қуйидагича: инновация мавжуд назария доирасида амалга оширилади, кўлам ва вақт бўйича чегараланади, методлар янгиланади ва натижаси аввалги тизимни такомиллаштиради. Инновация тизимли лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг йўналишлари очилади, замонавий технологиялар яратилади, унинг янги сифат самараларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

Ундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сон фармони юртимизда инновацион фаолиятни янада кучайтиришга қаратилаётган эътиборни кўрсатиб беради.

Миллий ғоя тарғиб қилишдаги инновацион ўзгаришлар, тизимга ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита шу соҳа вакили фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши ҳам атрофлича ўрганилган. Инновацион фаолият узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узоқ вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Инновацион фаолият янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаятган меъёрининг юзага келган меъёри билан тўқнашуви натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечимиға

қаратилади. Инновациялар доимий равишда ижтимоий-сиёсий ҳаётга янгиликлар олиб кириш орқали мафкуравий курашлар ривожига таъсир кўрсатади. Миллий ғояни тарғибот қилишнинг самарали йўлларидан бири бу Оммавий ахборот воситалари (ОАВ)дир. Маълумки ОАВ ижтимоий-сиёсий жараёнларда фуқароларнинг жамият, давлат, хокимият билан мулоқот ўрнатишини таъминлаб, миллий ўзликни англашнинг субъектив аҳамиятини ижтимоий-сиёсий ва амалий даражага кўтаради. “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз”[5], дейди Президентимиз.

Миллий ғоя ва мафкура ҳалқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, рухиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғусини онгимизга сингдириши лозим. Бунинг уч асосий жиҳати бор:

Биринчидан, ўзбек миллий мафкураси дейилса бу чекиниш, ботқоқликка, худбинликка олиб келади. Балки мустақил давлатнинг миллий манфаат мафкураси, умумий мафкуравий ғояси деб тушуниш керак;

Иккинчидан, турли ҳаракатлар, сиёсий партиялар мафкураси, йўл-йўриғи мафкуравий ғоядан четда ёки тескари бўлиб қолмаслиги керак. чунки мафкуралар ягона, бир бутун жамият миллий мафкурасига айланиши лозим;

Учунчидан, миллий мафкуравий глобаллашув мафкураси билан узвий боғлиқлиги – ўзбошимчаликка йўл қўймаслиги бўлиб, ҳалқимиз қудрати ва химоясига суянган ҳолда, умуминсоний кадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги давлатлар орасида тенг хукуқли ҳамда муносиб ўрин эгаллашга доимий интилиш ҳиссин тарбияламоғи керак.

Мафкуравий ғояни ўз онгига сингдирган инсонлар улуғdir. Чунки бола ота-онасидан мерос қилиб олган ва дунёга айтган биринчи сўзида миллий ғоя ва меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик ифода қилинади. Ўз ҳалқининг миллий ғоясига, анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва хурматни тарбияламасдан туриб ўз ҳалқини бутун жаҳон наздида тенглардан, ўзлигини англағанлардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватани жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас. Ёзувчи Хабиб Сиддиқнинг “Шу азиз Ватаннинг, шу муқаддас заминнинг фарзанди эканлигимиздан, унинг тобора гуллаб-яшнаётгани ҳалқаро ҳамжамиятда нуфузи ортиб бораётганидан фахрланаётганимизни сезиб туришсин, деган фикрлари айни муддаодир. Биринчи президентимиз Ислом Каримов таъкидлашича, “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эзозоланиб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун ҳалқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиши ва умид мақсадларини ўзимизда

тасаввур қилинадиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кен маъноли тушунчанинг мазмун моҳиятини ифода қилган бўламиз”[6].

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган илк кунларидан бошлаб замонавий билим ва қасб-хунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқатли кадрларни тайёрлаш масаласига жуда катта эътибор қаратиб келмоқда. Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш ҳамда юксак билимли интелектуал ривожланган кадрларни тайёрлаш олдимиизда турган энг асосий вазифалардандир. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам бу масалада шундай дейди. “Илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш зарур. “Таълим ва тарбия бешикдан бошланади”. Фақат маърифат инсонни камолотга, жамиятни тараққиётга етаклайди”[7]. Дархақиқат ёшларимизни ватанпарвар, жаҳон бозорларида рақобатбордош, бугунги кунда замонавий қасбий талабларга жавоб бера оладиган кадрлар этиб тайёрлаш даркор. Зоро мамлакатимизнинг келажаги ёшларга боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак. Қайсики қасб эгаси бўлишидан қатъий назар аввало ёшларни ватан равнақи учун хизмат қиласидиган миллий руҳда тарбиялаш зарур. Дунёнинг қайсики жойига борганда ҳам ўз юрти отабоболаридан фахрлана оладиган ўз миллий анъана ва қадриятларига содик уларни хурмат қиласидиган ёшлар жамиятимиз тараққиётiga хизмат этади. Замонавий кадрларни тайёрлашда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш юқори натижа беради. XXI аср техника ва технологиялар асли деб бежизга айтилмаган. Ёшларга замонавий технологиялар асосида дарс бериш янада яхши натижа беради. Ижтимоий ҳаётимизда инновация мухитини шакллантириш мухим аҳамият қасб этади. Жамият тараққиётини ривожлантириш ижтимоий-гуманитар фанлар орқали амалга оширилади. Миллий ғоя жамиятни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштирувчи, жамият, инновацион технологияларни қўллаб-қувватлаш, ҳамда тараққиёт стратегиясини амалга оширишда мухим белгиловчи аҳамият қасб этади. Жамият ривожи ғоя билан ўзвий боғлиқ. Шу сабабли ижтимоий-гуманитар фанлар орасида миллий ғояга бўлган эҳтиёж янада ошади. Хар бир фуқаро ўз танлаган соҳасини яхши билиши, ўрганиши, талаб этилиши билан мамлакат ватанини олдида фаоллик, фидоийлик, Ватанпарварликни тақозо этадади. Бу икки нуқта бир-бiri билан туташ бўлмаса, ундан халқига наф тегмайди. Замонавий мутахассис кадрларни тайёрлашда ҳам уларни бу фанни ўрни бенихоя катта ҳисобланади. Зоро Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам қуйидаги фикрини билдиради. “Олдимиизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч кудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур”[8]. Шу сабабли миллий ғоя фанига кўпроқ эътибор қаратишимиш даркор. Фаровон келажак пойдевори униб-ўсиб келаётган ёшлар ҳисобланади. Бугуни фан соҳасида қўлга киритаётган ютуқларни тарғиб қилиш орқали

фанни чуқур эгаллашга, мамлакатда озод ва обод Ватан, эркин фаровон ҳаёт қуришга ўз хиссасини қўшади. “Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлида қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, факат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган замонавий билимларни интелектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз”[9]. Бугунги кун инновацион технологияларни илм-фан ва талим соҳасида мувоффиқиятли қўлланилса ёш авлодга жаҳон тажрибаси асосида сабоқ берилса янада яхши ривожланишга эришган бўламиз. Жаҳон тажрибасини кўр-кўронча ўзимизга олиб келолмаймиз уни миллий менталитетимизга мос замонавий ва миллийликни уйғунлаштирган холда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ёш кадрларни ўз касби мутахассисликлари бўйича мукаммал инсонлар қилиб миллий ғоя руҳида маъсулиятли этиб тарбиялаш замон талабидир.

Хозирги глобаллашув даврида бутун дунёда миллий ўзликни англаш масаласи кун мавзусига қўйилмоқда. Миллий ўзликни англашда миллий ғоя фани ўрни бениҳоя каттадир. Ёшларимизни мактаб ёшиданоқ миллий ғурур, ифтихор, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш асосий мақсадимиздан биридир. Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзанларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир хақиқатни хеч қачон унутмаслигимиз керак[10].

Мафкуравий курашлар дарида ёшлар маънавиятини юксалтиришда инновацион усуллардан фойдаланиш зарур. XXI аср ахборот технологиялари асирида ёшларнинг маънавий салоҳиятини юксалтиришда замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш мумкин. Бу ижобий натижа беради. Хозирги кунда ёшлар видео, телевидения, ахборот коммуникация воситаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Телеканалларда ёшлар маънавиятини юксалтиришга оид телекўрсатувлар қўйиш турли хил менталитетимизга мос келмайдиган сериаллардан кўра яхшироқдир. Мафкуравий курашлар даврида ёшарнинг маънавиятини юксалтиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг эалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўниумасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига

бағишиланган беш ташаббусни қабул қилиниши ёшларнинг вақтини унумли ўтказиш ва ҳар хил ёт ғоя таъсирига тушиб қолмайди.

Президен Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги маърузаларида “Ўзбекистон ёшлари – 2025” концепциясини ишлаб чиқиши, унда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишининг амалий чора-тадбирлари белгиланиши зарур. Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслиги, “Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни қўз қорачиғидек асранг!” деган шиор одамларимиз қалбидан чукур жой олиши керак.

Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш – биринчи даражали аҳамиятга эгадир[11].

Хулоса.

Ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш зарур. Негаки, йиллар ўткандан кейин жамиятни юксалиши ёки таназзулга юз тутиши айнан ёшларга боғлиқ хисобланади. Хамма даврларда ёшлар масаласи долзарб ва кун тартибидаги масалалардан бўлиб келган. Ёшларнинг маънавий иммунитетини шакллантиришда мафкуравий профлатик ишларни кўпроқ амалга ошириш зарур. Мафкуравий профлактика ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий маънавий-мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади. Мафкуравий профлактика ғоявий бўшлиқни бартараф этиш ва мафкуравий парокандаликни олдини олишда кенг қўлланилади. Ёшларнинг турли хил ғоялар таъсирига тушиб қолмасликлари учун мафкуравий профлактиканинг инновацион усусларидан фойдаланишни тавсия этаман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Маънавият асосий тушунчалар изохли луғати. -Тошкент, Фофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. -Б.293.
2. Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. -Тошкент: Академия, 2000. -Б.15.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимиий ваиқтисодий истиқболининг асосий тамоиллари. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -Б.21.
4. www.lex.uz
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.71.
7. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018-йил 28-декабр. -Т.; Ўзбекистон, 2019.
8. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018-йил 28-декабр. -Т.; Ўзбекистон, 2019.
9. Каримов И.А “Юксак билимли ва интулуктуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. -Тошкент, 2012-йил 17-феврал.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.